



## АХБОРОТ МАЙДОНИДА БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЛАБИ

Каримов Абдумалик Абдумутал ўғли

Мустақил тадқиқотчи:

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17893860>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-dekabr 2025 yil  
Ma'qullandi: 08-dekabr 2025 yil  
Nashr qilindi: 11-dekabr 2025 yil

### KEYWORDS

терроризм, экстремизм,  
жамият, давлат,  
профилактика, интернет  
хавфсизлик.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада ахборот майдонида бузғунчи ғояларга қарши курашнинг аҳволи замонавий шакллари ва уларни ечими ёртитилган..*

Бугунги глобалашув шароитида ахборот инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Шу боис мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, фуқароларнинг ахборотдан фойдаланишлари учун соғлом муҳит яратиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фуқароларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан болиқ вазифаларга тўхталиб: «Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз», – дея таъкидлаган эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тинчлик-барқарорликни янада мустаҳкамлаш, жамият тараққиётини таъминлаш ҳамда уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялашнинг механизмлари ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 71-моддасида «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига қўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади», деб кўрсатилган.

Шунингдек, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шу билан бирга, 2017–2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Юқоридаги чора-тадбирларга қарамасдан, интернет тармоғидаги турли сайтлар, мессенжерлар ва ижтимоий тармоқлар орқали бузғунчи маълумотларни тарқатиш ҳолатлари учраб турибди. Хусусан, Facebook, Odnoklassniki, Whatsapp, Viber, Telegram, Youtube каби ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, видеохостинглар вайронкор ғояларни тарғиб этиш мумкин бўлган виртуал мулоқот майдонига айланди. Уларда миллий, диний адоватни келтириб чиқаришга, экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи, ўз жонига қасд қилишни рағбатлантирувчи материаллар сони ортиб бормоқда.

Жумладан, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг (12.03.2019 й., 28.10.2020 й., 2.12.2020 й., 29.04.2020 й., 16.02.2022 й., 09.03.2022 й., 25.03.2022 й., 24.12.2022 й.) ҳал қилув қарорларига кўра, Интернет тармоғининг "najot.info" ва "hizb-uzbekiston.info" веб-сайтлари ҳамда "facebook", "youtube" ва "telegram" ижтимоий тармоқларида **160 дан ортиқ (168 та)** профил, канал ва саҳифалар **экстремистик ва террористик** деб топилган.

Бундай сайтларга мамлакатнинг конституциявий тузумини ўзгартириш, зўравонлик, ахлоқсизлик билан боғлиқ маълумотлар жойлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, экстремистлар ғаразли маълумотларни WhatsApp, Telegram, Messenger, Viber, Odnoklassniki Instagram' ва Facebook каби ижтимоий тармоқлар орқали бир неча сония ичида ўз тарафдорларига етказиб бермоқда. Улар асосан «такфир», «ҳижрат», «жиҳод», «халифалик» ва «шаҳид» каби ғояларни илгари суриб, ўз мақсадига эришишни кўзлашади.

Бундай интернет сайтлари тармоқда тўсатдан пайдо бўлиб, маълум вақт ўтгач йўқолади, мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тез-тез номланиши ва доменини ўзгартириб туради. Шунингдек, ушбу тоифадаги сайтлар бир томондан, террорчи ташкилотларнинг фаол аъзоларига, иккинчи томондан, террорчиларнинг асл мақсад-муддаоларини билмайдиган, уларни «курашчилар», «муҳолифат» ва шу кабилар сифатида қабул қилишга ўрганган одамларга мўлжалланган. Улардан жамиятда тегишли ижтимоий фикрни шакллантириш ва қарама-қарши (душман) томонга руҳий таъсир кўрсатиш, кўрқув, ваҳима тарқатиш орқали ички иккиланишни келтириб чиқаришдек мақсадлар кўзланади.

Мавжуд маълумотларга кўра, «ИД», «КИБ», «Жиҳодчилар» «Хизб ут-таҳрир» ДЭТ, «Акримийлар», «Таблиғчилар» каби экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари аъзолари дин ниқоби остида диний-маърифий мазмуни бузилган электрон адабиётлар ва турли ахборотларни интернет саҳифаларига жойлаштирмоқда.

Мазкур экстремистик ва террорчилик гуруҳлари интернетдаги спорт мавзусидаги контентлар ичида веб-конференциялари ва порнографик саҳифаларда ўз маълумотларини яширмоқда. Бўлажак террорчилик ҳаракатларига оид тафсилотлар борки тарғиботлар бутун интернет бўйлаб қўйилган кўринишда сақланмоқда. Сирли кодларни билган террорчилар уларни бир жойга жамлаб танишиш имконига эга бўлмоқда.

Экспертлар фикрича, жангарилар томонидан тарқатилаётган видеолавҳалар юқори савияда, профессионал тарзда тайёрланиб, интернет саҳифаларига

жойлаштирилмоқда. Интернетдаги имкониятлар боис бундай сифатли видеолавҳалар жангарилар фаолиятини тарғиб қилиш учун қўл келмоқда.

Таҳлилчилар фикрича, ҳар сафар жангарилар томонидан янги видеолавҳа ва фотосуратлар чиқарилганида, у аввалгисидан мазмун ва сифат жиҳатдан фарқ қилмоқда. Жангарилар ўзлари тайёрлаган маҳсулот халқаро жамоатчиликка қандай таъсир этганини кузатиб, шунга кўра иш юритмоқда.

Сўнги маълумотларга кўра, кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини интернет, хусусан Odnoklassniki тармоғи ва WhatsApp мессенжери орқали экстремистик гуруҳларга қллашга уринишлар фаоллашган.

Хулоса қилиб айтганда, интернет тармоғида тарқатилаётган материаллар орасида экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи материаллар сон жиҳатдан ортиб бормоқда. Бундай Қоялар тарғиботи билан шуғулланувчиларнинг аксарияти хориж мамлакатларида туриб фаолият юритиши уларга қарши кураш олиб боришни қийинлаштирмоқда. Шунингдек, экстремистик ва террорчилик ташкилоти вакиллари ижтимоий тармоқлар, мессенжерлардан кенг фойдаланиб, Odnoklassniki, Facebook, Twitter ва бошқа шунга ўхшаш тармоқлар орқали уларнинг, аёлларнинг онгига бузғунчи ғояларни сингдириб, ўз тарафдорларини кўпайтириб боришга интилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади:

–Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот майдонини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

–аҳоли ўртасида ижтимоий тармоқлардан, мессенжерлардан фойдаланиш кўникмаларини ошириб бориш;

–Ўзбекистоннинг ички сиёсати ҳақида тарқатилаётган ноҳолис ахборотларга мутасадди ташкилотлар томонидан ўз вақтида жавоб қайтариш;

интернетда экстремистик ғояларга қарши маърифий ислом ғояларини акс эттирувчи материалларни жойлаштирувчи фойдаланувчиларни рағбатлантириб бориш.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72–сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. –Т., 2017. 20 сен.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.07.2018 йилдаги ЎРҚ-489-сон // [хттпс://lex.uz/uz/досс/3841957](https://lex.uz/uz/досс/3841957) муроджаат санаси 24.01.2024 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони “«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон [хттпс://lex.uz/досс/6600413](https://lex.uz/досс/6600413)
4. Экстремизм ва Терроризми билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг худудий методикаси МГ ХТИ .Илмий амалий тавсиялар амалий қўлланма 115б А.К.Закурлаев
5. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари жамиятдаги тинчлик хотиржамликни таъминлаш гаровидир Received: 17th January 2023 Accepted: 27th January 2023 Online: 28th January 2023 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7578709> 190-194 А.Закурлаев

6. Закурлаев А.К. ва бошқалар Криминалистика умумий қисм // дарслик. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети – Тошкент 2022 йил Б.306-307
7. URL: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/bezorilik-uz/>
8. URL: <https://lex.uz/ru/>
9. URL: <https://www.norma.uz/uz/>.
10. URL: <https://online.zakon.kz/>
11. URL: <https://kun.uz/news/2022/03/26>
12. URL: <https://sud.uz/>
13. URL: <https://www.lawmix.ru/comm/336?page=2>
14. URL: <https://cyberleninka.ru/>
15. URL: [http://ncz.tj/system/files/Legislation/574\\_ru\\_0.pdf](http://ncz.tj/system/files/Legislation/574_ru_0.pdf)
16. URL: <https://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1997/en19970689.pdf>
17. URL: [https://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1734/en17340004\\_20150732.pdf](https://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1734/en17340004_20150732.pdf)
18. URL: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-j/jinoyat-ishini-tugatish-uz/>

